



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 6 (8)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 6-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

6

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Karabayev R.Z. Raqamli iqtisodiyot: nazariy asoslari va O‘zbekistonda rivojlanish yo‘nalishlari.....	8
Ubaydullayeva N.A. Zamonaviy iqtisodiy sharoitda kichik biznes korxonalarining rivojlanish strategiyalari: nazariy yondashuvlar.....	11
Xatamov A.A. Raqamli transformatsiya asosida ixtisoslashtirilgan savdo majmualarida moliyaviy resurslarni boshqarishni takomillashtirish.....	15
Yokubjonova X.Yo. Co-marketing strategiyasining ekoturizmni brendlashiga integratsiyasi: metodologik yondashuv va amaliy natijalar.....	19
Yusupova M.B., Jamoliddinova (Usmonova) S.S. Ustama xarajatlarni tasniflash va uning mahsulot tannarxini shakllantirishdagi ahamiyati.....	24
Abdug‘ofurova O.M., Yusupova M.B. Ishlab chiqarish korxonalarida tannarxni kalkulyatsiya qilish va uni takomillashtirish yo‘llari.....	27
Xojiboyev M.Sh. Xorijiy tajribalarni O‘zbekiston nodavlat oliy ta’lim muassasalari boshqaruv hisobi tizimiga moslashtirish: nazariy asoslar va amaliy istiqbollari.....	31
Исраилова Д.К. Глобализация в условиях демографического кризиса: социально-экономические риски.....	38
Qurbonova X.I. Bozor iqtisodiyotida davlatning makroiqtisodiy muvozanatni ta’minlash va inqirozga qarshi siyosati.....	43
Asqarov A.H. Oliy o‘quv yurti talabalarida moliyaviy savodxonlikni aniqlash me’zonlari (noiqtisodiy yo‘nalishi talabalarini misolida).....	47
Yunusova S.A., Turg‘unboyev A.A. Eko-mehmonxona tushunchasi, turlari va asosiy xususiyatlari.....	51
Barnayev Z.Sh. Xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari raqobatbardoshligining mazmun-mohiyati va xususiyatlari.....	55
Bobokulov A.A. Erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarining hududiy iqtisodiy integratsiyaga ta’siri.....	59
Рахимжонов Б.Б., Рахимжонов Б.Б. Инновационные процессы как фактор развития промышленных предприятий.....	63
Matmusayev M.O. Raqamli iqtisodiyot sharoitida sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish strategiyalari.....	67
Raxmatjonova G.E. Ishlab chiqarish korxonalarining asosiy vositalari buxgalteriya hisobini xalqaro andozalar talablari bo‘yicha takomillashtirish.....	72
Kamoldinova N.A. Ayollar tadbirkorligi faoliyatida raqamli integratsiya darajasini baholash.....	76
Xaitova M.K. Raqamli platformalar orqali biznes modellarini yangilash va kompaniyalar strategik imkoniyatlarini kengaytirish.....	81
Yo‘ldashev M., Sotvoldiyev U. Davlat byudjetini taqchilligi va uni kamaytirish mexanizmlari.....	85
Maribjonov B.I., Arabboyev J.S. Tuman mahalliy byudjetidan moliyalashtiriladigan maktabgacha va maktab ta’limi tashkilotlarining 4-guruh xarajatlarining tahlili.....	88
Ro‘ziyev Sh.Sh. Hududiy iqtisodiy rivojlanishda mahalliy ishlab chiqarishni boshqarishning zamonaviy usullari.....	92
Nematov G.G., Sotvoldiyev U.K. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tishning iqtisodiy asoslari va istiqbollari: deкупpling indeksi tahlili.....	95
Karimov D.M., Mustafayeva H. Xorij tajribasi asosida O‘zbekistonda pensiya tizimini takomillashtirish....	99
Ermatova S.I. Sanoat korxonalarida majburiyatlar tarkibi va moliyaviy barqarorlikning empirik tahlili (Andijon viloyati to‘qimachilik korxonalarini misolida).....	104
Ermatov M.S. Sun’iy intellekt va mehnat bozorida raqamli inqilob: tahdidmi yoki kelajak imkoniyatimi?....	107
Azizova H.A. Raqamli transformatsiya sharoitida sanoat korxonalarining investitsion-innovatsion faoliyatini takomillashtirish yo‘llari.....	111
Юсупов А.С., Джангабаева Г.П. Международный рынок акций: содержание, виды и особенности..	114
Xusanova Z.R. Andijon viloyatida ayollar tadbirkorligini rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi va uning xususiyatlari.....	119
Abdulazizov A.A. Energetika tarmog‘i korxonalarida ishlab chiqarish resurslaridan samarali foydalanishning nazariy asoslari.....	122
Norov A.E., Fazliddinov Sh.Sh., Erkinov X.X. Liderlik va motivatsiya o‘rtasidagi munosabatga ta’sir etuvchi omillar.....	126
Атаханова Ш.С., Мирхамидова Д.Н. Цифровая трансформация как инструмент достижения ESG-целей в нефтегазовой сфере Республики Узбекистан.....	131
Toxirov J.R. Mijozlarga yo‘naltirilgan raqamli marketing asosida savdo xizmatlarini modernizatsiya qilish.	136

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 6-son 2026 yil

Sulaymonova F., Ro‘zimov B. Online ta’lim xizmatlari bozorining kengayishi natijasida an’anaviy ta’lim sektorida yuz berayotgan iqtisodiy o‘zgarishlar.....	140
Zayavitdinova N.M. Hududda xizmat ko‘rsatish korxonalari faoliyatini boshqarish strategiyasini takomillashtirish.....	143
Odilova M.A. Kimyo sanoatidagi korxonalar faoliyatida resurslardan samarali foydalanish.....	147
Axmedova D.N. Mintaqaviy raqamli tayyorlik indeksining hududiy iqtisodiy o‘lishga ta’siri.....	151
Sapayeva N.K. O‘zbekiston to‘qimachilik sanoatida yashil transformatsiya va B2B raqamli marketing asosida barqaror rivojlanish modeli.....	155
Allayarov S. Startup financing mechanisms: a comparative analysis of angel investment, venture capital, bank lending, and state grants.....	158
Махмудов О.Х. Moliya tizimining boshqa iqtisodiy tizimlar bilan aloqadorligi.....	162
Ibragimova M.M. “Yashil iqtisodiyot” va “Yashil tadbirkorlik” tushunchalarining iqtisodiy mazmuni va evolyusion transformatsiyasi.....	167
Olimjonov A. Korxona faoliyatining samaradorligini oshirishda moliyaviy barqarorlik va rentabellik ko‘rsatkichlari o‘zaro bog‘liqligini tahlil qilish.....	171
Rakhimboeva B.D. Analysis of the economic situation of the development of export activities of small businesses in Uzbekistan.....	174
Raxmatova F.Y. To‘qimachilik korxonalarida aylanma iqtisodiyot modelini joriy etishning iqtisodiy mexanizmlari.....	178
Ergasheva A.F. Milliy hunarmandchilik mahsulotlarini brendlash va bozorda pozitsiyalashning strategik yondashuvlari.....	181
Navruzova G.U. Theoretical models and institutional mechanisms, forms and structures of cooperation between education and manufacture.....	184
Djumayeva S.K. Yashil investitsiya muhitini shakllantirishda raqamli iqtisodiyotning makroiqtisodiy ta’siri (O‘zbekiston hududlari misolida).....	188
Pardayev TN., Muqimov A.R. Boymirzayev K.M. Jismoniy shaxslar tomonidan olib kiriladigan tovarlardan bojxona to‘lovlarini undirishni takomillashtirish.....	193
Ибодуллоева З.С. Экономические стимулы внедрения водосберегающих технологий в аграрном секторе Узбекистана.....	199
Ibragimova G.S. Ta’lim sifatini yaxshilashda innovatsion yondashuvlar va raqamli vositalar.....	203
Raxmatova S.S. Turizmni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning o‘ziga xos xususiyatlari.....	207
Umarova M.M. Foreign brand spillovers and export performance of smes in emerging economies: a panel data analysis.....	212
Karimova F.A. Ekoturizmni barqaror rivojlantirishning xorijiy tajribasi va ularni O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlari.....	217
Raxmanov B.I. Investitsiya siyosatini amalga oshirish mexanizmini takomillashtirish.....	221
Ashurova G.N. Charm-poyabzal sanoati korxonalarida sifatni boshqarish tizimini takomillashtirish yo‘llari.....	225
Axmadjanov I.I. Shaharlar va shahar aglomeratsiyalari mintaqalar va mamlakatlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining drayveri.....	228
Эгамназарова Г.Ш. Рақамли тенгсизлик: давлатлар ва тармоқлар ўртасидаги технологик узилишларни камайтириш йўллари.....	232
Mamanazarov M.A. Iqtisodiy o‘lishni rag‘batlantirishda milliy iqtisodiyotni modernizatsiya qilishning xorij tajribasi.....	236
Химматов А.Х. Йўл корхоналарини хусусийлаштиришнинг афзалликлари ва оқибатлари.....	241
Kambaraliyeva I.S. Raqamli iqtisodiyot sharoitida mehnat bozorining transformatsiyasi va raqamli ko‘nikmalarning ahamiyati.....	244
Muxiddinov T.Sh. Jizzax viloyatida turizm infratuzilmasini rivojlantirish yo‘nalishlari.....	248
Sayxdodjayeva N.I. Ijtimoiy va ekologik audit: barqaror rivojlanishni ta’minlashda zamonaviy nazorat mexanizmi.....	253
Fayzullayev J.N. Milliy iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishning xorijiy tajribalari.....	257
Tursunova N.X. «Xayot sug‘urtasining iqtisodiy mohiyati va uning aholi moliyaviy xavfsizligini ta’minlashdagi roli».....	261
Abdishukurova G.M., Bozorboyev A.R. Sug‘urta kompaniyasi balansini “Risk tetraedri” modeli asosida baholash.....	266
Abdurasulova M.O. Zamonaviy iqtisodiyot nazariyasi asoschilari.....	270

Vaxidov A. Buxgalteriya hisobining tarkibiy tuzilishi - moliyaviy va boshqaruv hisobi.....	273
Turg‘unova T., Muftaydinov Q. Iqtisodiy zonlarda ekologik tadbirkorlikni investitsion va innovatsion qo‘llab-quvvatlashning xorijiy tajribalari.....	277
Kurbanov F.U. Raqamli iqtisodiyotning moliyaviy xizmatlar bozoriga ta’siri.....	283
Umarov T.S. Qurilish sanoati korxonalari iqtisodiy barqarorligini statistik baholashning nazariy-uslubiy asoslarini takomillashtirish.....	287
Rahimova N.A. Kichik biznes subyektlarida inson resurslarini boshqarish tizimidagi muammolari va ularni bartaraf etishda zamonaviy yondashuvlar.....	291
Yangiboyev U.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida iqtisodiy menejment tizimini takomillashtirishning nazariy-uslubiy asoslari va amaliy yo‘nalishlari.....	295
Махкамова Н.С. Роль зеленых облигации в финансировании проектов устойчивого развития.....	299
To‘xtarova F.Y. Analysis of tourism insurance practices and their economic efficiency.....	304
Anvarov Sh.D. O‘zbekiston qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsion muhitni rivojlantirishning institutsional va infratuzilmaviy omillari.....	308
Xalmirzayev O.A. Ko‘p obyektli savdolarida Vickrey-Clark-Groves mexanizmining samaradorligi tahlili....	313
Zaidov I.I. Qishloq xo‘jaligi mahsulotlari bozorida raqobat munosabatlarini boshqarish mexanizmlari.....	318
Rahimova N.A. Inson kapitalini boshqarishning tashkilot raqobatbardoshligiga ta’siri.....	321
Gulimboyev S.I., Rejapov X.X. O‘zbekiston oliy ta’lim tizimida ta’lim kreditlarining iqtisodiy ahamiyati....	324
Bardiyev S.U. Mintaqada raqamli iqtisodiyotning iqtisodiy samaradorligini baholash: Xorazm viloyati misolida.....	328
Qulmatova S.S. Mahalla tizimida oziq-ovqat ta’minoti zanjirini IoT va sun’iy intellekt texnologiyalari asosida intellektual boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish.....	332
Aminov S.S. Mintaqada qurilish sohasidagi innovatsion rivojlanishga ta’sir etuvchi omillar.....	336
Дадабоева М.М. Кичик бизнеснинг иқтисодийёт тармоқлари бўйича ривожланиш тенденциялари.....	340
Numonjonova N.A. Kichik biznesni rivojlantirishda investitsiyalardan foydalanish samaradorligini oshirish	344
Абдулазизов А.А. Гидроэнергетика саноати ва унда ресурс тежаш жараёнларининг хорижий тажрибалари.....	348
Muradov O.U. Sanoat korxonalarida iqtisodiy samaradorlikni oshirish bo‘yicha xorijiy tajribalar va ulardan foydalanish imkoniyatlari.....	352
Saidova M.J. Xorijiy mamlakatlarda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish tajribasi va uni O‘zbekistonda qo‘llash yo‘nalishlari.....	356
Umirova G.Sh. Qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalarida rentabellik ko‘rsatkichlari asosida iqtisodiy samaradorlikni baholash metodikasini takomillashtirish.....	360
Narmanov U.A., Nazarov J.B., Tursunaxmadov X.Sh. Moliyaviy risklarning iqtisodiy ahamiyati va uni boshqarishning zarurligi: risk tushunchasi va uning turlari.....	365
Nosirov S.N. Barqaror moliyalashtirish global bozorlari: zamonaviy tendensiyalar va rivojlanish muammolari.....	369
Farmanov J.Z., Sanetullaev A.E. Modeling of economic basis and forecast indicators of innovation transformation processes in agricultural entrepreneurship.....	373
Mirzataev S.M. Integration of digital and smart technologies in increasing the ecological resilience of the agricultural system.....	376
Kidirniyazov A.Sh. Development of artificial intelligence-based service monitoring systems for construction quality control.....	379
Абдуллаева Ш.Э. Халқаро индекслар асосида ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш.....	382
Mirjalolova M.M. Sun’iy intellekt texnologiyalarining O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik samaradorligini oshirishdagi o‘rni.....	389
Baytanov O‘.M. Sanoat korxonalarida mahsulot sifatini boshqarishning tarmoq xususiyatlari.....	394
Умаров А.Т. Особенности развития социальной сферы в Узбекистане.....	400

5. Alizadehsalehi, S., Hadavi, A., Huang, J.C. (2024). IoT-Enabled Intelligent Monitoring Systems in Construction Projects. *Sensors*, 24(3), 1125.
6. Singh, V., Kumar, A., Sharma, R. (2023). Deep Learning Approaches for Construction Defect Detection and Quality Assessment. *Engineering, Construction and Architectural Management*, 30(9), 4231–4248.
7. Zhang, K., Teizer, J., Lee, J.K. (2024). AI-Assisted Drone Monitoring for Construction Quality and Safety Management. *Automation in Construction*, 161, 105316.
8. Ahmed, S., Rahman, M., Islam, T. (2024). Smart Construction Technologies and Sustainable Infrastructure Development: The Role of Artificial Intelligence. *Sustainability*, 16(5), 1948.
9. Chen, Z., Li, H., Wu, P. (2023). Challenges and Opportunities of Artificial Intelligence Adoption in Construction Industry. *Journal of Civil Engineering and Management*, 29(7), 621–635.

УДК: 336.57

**ХАЛҚАРО ИНДЕКСЛАР АСОСИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ**

**ФИНАНСИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ НА ОСНОВЕ
МЕЖДУНАРОДНЫХ ИНДЕКСОВ**

**FINANCING THE SOCIAL PROTECTION SYSTEM BASED ON INTERNATIONAL
INDICES**

PhD Абдуллаева Шахноза Эркиновна

ЎзМУ, Иқтисодиёт факультети
Иқтисодиёт назарияси кафедраси докторанти

Аннотация

Мақолада халқаро индекслар асосида ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришнинг халқаро ташкилотлар услугиёлари, молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражасини баҳолашнинг халқаро индекслари услугиёларни умумий хусусиятлари таҳлил қилинган. Мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражасини баҳолашда халқаро индекслардан фойдаланиш имконияти таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, ҳимоя тизимини молиялаштириш, давлат бюджети, ижтимоий нафақа

В статье анализируются методы международных организаций по финансированию системы социальной защиты на основе международных индексов, общие характеристики международных индексов и методы оценки уровня диверсификации источников финансирования. Рассматривается возможность использования международных индексов при оценке уровня диверсификации источников финансирования системы социальной защиты в стране.

Ключевые слова: социальная защита, финансирование системы защиты, государственный бюджет, социальные пособия

The article analyzes the methods of international organizations for financing the social protection system based on international indices, the general features of international indices and methods of assessing the level of diversification of financing sources. The possibility of using international indices in assessing the level of diversification of sources of financing the social protection system in the country is analyzed.

Key words: social protection, financing of the protection system, state budget, social benefits

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида ҳар қандай мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазкур тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали, аҳолига муносиб турмуш фаровонлигини кафолатлаш, аҳоли таркибида камбағаллик ва ижтимоий жиҳатдан муҳтожликнинг ҳар қандай даражаларини қисқартириш асосида миллий иқтисодиётнинг ижтимоий муаммоларини самарали ҳал этиш учун хизмат қилади. Шу сабабли турли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки (World Bank[1]), Халқаро Мехнат ташкилоти (International Labour Organization – ILO[2]), Халқаро валюта фонди (International Monetary Fund – IMF[3]), Халқаро ижтимоий ҳимоя ассоциацияси (International Social Security Association – ISSA[4]) каби ташкилотлар томонидан глобал даражада турли мамлакатларда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган тадқиқотларда мазкур тизимларни молиялаштириш манбалари, уларнинг молиявий имкониятлари, манбаларнинг диверсификациялашув даражаси каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш устувор аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг илк йилларидан то бугунги кунга қадар Ўзбекистонда миллий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ислох этиш, жумладан, уни молиялаштириш манбаларини диверсификациялашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни изчил амалга оширилишига қарамай, ҳали-ҳанузгача тизимни молиялаштиришда давлат бюджети ўз устуворлигини сақлаб келаётганлиги мазкур тизимнинг турли иқтисодий шоклар ва ташқи хавф-хатарларга нисбатан бардошлилик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, унинг заифлигини оширади. Шу сабабли ҳам мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялашуви ҳолати, шунингдек, тизимни молиялаштиришда бошқа турдаги молиявий манбаларни жалб қилиш имкониятларини аниқлаш ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади. Ушбу вазиятни инобатга олиб, турли халқаро индекслар орқали мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялашув даражасини баҳолаш орқали уни янада кенгайтириш имкониятларини аниқлашни лозим топдик.



1-расм. Ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражасини баҳолашнинг халқаро индекслари услубиётларнинг умумий хусусиятлари

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Таҳлилларга кўра, турли ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражасини баҳолашнинг халқаро индекслари услубиётлари қуйидаги умумий хусусиятларга (1-расм) эга ҳисобланади:

ижтимоий ҳимоя тизимининг қамров даражаси (Coverage) – бунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари қайси турдаги ижтимоий ҳимоя дастури билан қамраб олинганлиги назарда тутилади;

ижтимоий ҳимоя тизими молиялаштириш бўйича харажатлар даражаси (Expenditure Level) – бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштиришга йўналтирилган харажатларнинг мамлакат ялпи ички (ёки, ҳудудий) маҳсулоти (ЯИМ / ЯХМ) ҳажмига нисбатан улуши орқали баҳоланади;

ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбалари – бунда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя тизими харажатларини молиялаштиришда давлат бюджети, ижтимоий суғурта (мажбурий ва ихтиёрий шаклдаги ижтимоий суғурта механизмлари тўлиқ инобатга олинади), ҳомийлик, халқаро ёрдам ва грант маблағларидан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинади;

ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашуви даражаси – ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбалари бўйича таркибий кўрсаткичлари, яъни манбалар ўртасидаги жами харажатларга нисбатан улушини ҳисоблаш орқали аниқланади.

Ўтказилаётган тадқиқот натижаларига янада аниқлик киритиш мақсадида турли халқаро ташкилотлар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялашув даражасини баҳолаш индекслари билан боғлиқ жиҳатларини таҳлил қилишни лозим топдик. Бунда Осиё Тараққиёт банки (Asian Development Bank – ADB), Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO), Халқаро валюта жамғармаси (IMF), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Европа Иқтисодий Комиссияси (European Economic Commission – EEC), БМТнинг Осиё-Тинч океани бўйича иқтисодий комиссияси (UNESCAP) каби ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланиладиган диверсификациялашув индексини баҳолаш услубиётларини кўриб чиқамиз.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) томонидан ўтказилган тадқиқотларда мамлакатларда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя тизимини умумий ҳолатдаги самарадорлигини баҳолашнинг композит индексидан фойдаланиб, индекс таркибий жиҳатдан қамров даражаси (Coverage), эришилган натижа (Impact) ва миқдорий кўрсаткичлар сифатида тизимни молиялаштириш харажатлари (Expenditure) кўрсаткичларидан ташкил топган “Ижтимоий ҳимоя ҳимоя индекси (Social Protection Index – SPI)”[5] қуйидаги функция орқали ҳисобланади:

$$SPI = \frac{I_{Cov} + I_{Imp} + I_{Exp}}{3}$$

Бу ерда:

I_{Cov} – қамров даражаси индекси. Бунда ижтимоий ҳимоя дастури билан қамраб олинган аҳолининг жами аҳоли таркибидаги улушидан фойдаланилади;

I_{Imp} – эришилган натижа индекси. Бунда ижтимоий трансфертлар орқали аҳоли даромадлари ҳажмининг қай даражада ортганлиги бўйича кўрсаткичлардан фойдаланилади;

I_{Exp} – миқдор (ёки харажат) индекси. Бунда ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш харажатларининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улушини ифодаловчи кўрсаткичдан фойдаланилади.

1-жадвал

ОТБ (ADB) услубиёти орқали ҳисобланган “SPI”-индекси натижаларининг самарадорлик бўйича гуруҳлари[6]

№	“SPI”-индекси диапазони	Самарадорлик ҳолати
1	0 – 0,25	Қуйи самарадорлик
2	0,26 – 0,50	Ўрта қуйи самарадорлик
3	0,51 – 0,75	Ўрта юқори самарадорлик
4	0,76 – 1,0	Юқори самарадорлик

Шу билан биргаликда, ОТБ (ADB) томонидан мамлакатлар ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини баҳолашда фойдаланиладиган “SPI”-индекси натижалари “0” дан “1,0” қиймат оралиғида бўлган натижага эришиб, индексни баҳолаш натижасида эришилган қийматлар 1-жадвалда келтирилган диапазонлар бўйича самарадорлик гуруҳларига ажратилади.

Таҳлилларга кўра, ОТБ банки томонидан қўлланиладиган “SPI”-индекси (Social Protection Index – SPI) натижаларининг самарадорлик кўрсаткичи ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялашуви даражасини ушбу услубиётда ижтимоий ҳимоя харажатларининг манбалари, яъни, ажратилган молиявий ресурслар давлат, хусусий ёки халқаро манбалар орқали молиялаштирилганлиги бўйича кўрсаткичларнинг келтирилганлигида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Мазкур халқаро ташкилот томонидан Ўзбекистонда “ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ифодаловчи “SPI”-индекси 0,34 коэффициентга тенг бўлган ҳолда, ўрта куйи самарадорлик ҳолатида бўлиб, аҳолининг 47 фоизи ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган”[7] деб топилган бўлиб, бугунги кунда мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш зарурияти юқори ҳисобланади..

Жаҳон банки томонидан глобал даражада турли мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоя тизими амал қилиш самарадорлигини “Atlas of Social Protection Indicators of Resilience and Equity (ASPIRE)”[8] лойиҳаси доирасида ижтимоий ёрдам (ижтимоий нафақа ва кам таъминланган оилалар учун субсидиялар), ижтимоий суғурта (пенсия, ногиронлик, тиббий суғурта) ва турли ижтимоий хизматлар (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) каби йўналишларни ижтимоий ҳимоя дастурининг қамров даражаси (ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган аҳоли улуши, мамлакатдаги камбағаллик даражаси), ижтимоий ҳимоянинг адекватлиги (бенифициар даромади таркибида ижтимоий ёрдамнинг улуши), аҳолининг касалланиш даражаси (аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари, жумладан, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг касаллик ҳолати – бунда касаллик чалинган аҳоли сонининг тегишли ижтимоий гуруҳ ёки жами ҳоли сонига улуши кўрсаткичидан фойдаланилади), ҳамда ижтимоий ҳимояни молиялаштириш манбалари бўйича таркибий кўрсаткичлари (бюджет маблағлари, ижтимоий суғурта механизми, иш берувчи ва ҳ.к.) орқали самарадорлигини баҳоланади.

Жаҳон банкининг “ASPIRE” лойиҳаси доирасида мамлакатда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини баҳолаш (ASPIRE Database) услубиёти миллий статистик маълумотларга асосланганлиги, ижтимоий ҳимоя тизимининг мақсадлиги ва ҳар бир ижтимоий ҳимоя дастурлари бўйича молиялаштириш манбалари кесимидаги таҳлилларни ўтказиш имконияти мавжуд эканлиги билан бошқа халқаро индекслардан ажралиб туради. Мазкур услубиёт ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришда давлат бюджети, ижтимоий суғурта (мажбурий ва ихтиёрий суғурта механизмларини алоҳида таҳлил қилади), ташқи манбалар (халқаро грант ва ёрдамлар), ҳамда ҳомийлик маблағлари каби манбалардан фойдаланиш ҳолати бўйича аниқ хулосаларни шакллантириш имконини бериб, ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбалари ва уларнинг самарадорлик ҳолатлари бўйича аниқ натижаларни олиш имконини беради. Ташкилот томонидан берилган маълумотларга кўра, “Ўзбекистон миллий ижтимоий ҳимоя тизимининг қамров даражаси 18,0 фоизни ташкил этиб, аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам хизматларини молиялаштириш харажатларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2,1 фоизни, яхлит ижтимоий ҳимоя тизимининг давлат бюджетига боғлиқлик ҳолати эса 85,0 фоиздан юқори”[8] ҳисобланиб, умумий ҳолатда экспертлар ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишда уни молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш зарурияти мавжудлигини тизимнинг давлат бюджети молиявий ресурсларига боғлиқлик даражаси юқорилиги билан изоҳланади.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан мамлакатлар ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказиладиган глобал даражадаги тадқиқотларда фойдаланиладиган баҳолаш услубиёти мазкур тизимни молиялаштириш манбаларини аниқ улушларини кўрсатилиши ҳисобига унинг диверсификациялашув даражаси бўйича хулосаларни тўлиқ шакллантириш имконини беради. Ушбу ташкилот маълумотлари “Ўзбекистон шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя тизимининг қонуний қамров даражаси 100 фоизни, қамров даражаси самарадорлиги 47,0 фоизни, ижтимоий ҳимоя харажатларининг мамлакат ЯИМ ҳажмига нисбатан улуши 8,5 фоизни, ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш харажатларининг 75-80 фоизи давлат бюджетига боғлиқ”[9] лигини кўрсатди.

Юкорида келтирилган глобал ташкилотлар билан биргаликда, Халқаро валюта жамғармаси (IMF[10]) ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ[11]) кабилар тадқиқотларида соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, таълим, ва пенсия таъминоти бўйича харажатларни мамлакат ЯИМдаги улушини (Government Social Spending, % of GDP) таҳлил қилиш орқали мамлакатлар ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш самарадорлигини баҳолашни амалга оширадilar. Иқтисодий фанда ўтказиладиган тадқиқотларда ушбу ташкилотлар томонидан қўлланиладиган ёндашувда давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги сиёсати самарадорлиги ва уни молиялаштириш барқарорлиги каби кўрсаткичларини глобал даражада турли мамлакатлараро ўзаро қиёсий таққослаш имконияти яратилиши билан афзал ҳисобланади. Шу билан биргаликда, мазкур ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадқиқот натижаларида ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш харажатларининг давлат бюджетига боғлиқлик ҳолати юқори бўлса, унда унинг диверсификациялашув даражаси паст, агарда ихтиёрий ижтимоий суғурта (хусусий сектор иштирокидаги) механизми, ҳамда ташқи грантлар маблағларига боғлиқлик юқори бўлса, у ҳолда диверсификациялашув даражасини юқори деб баҳолаш мумкин бўлади. Ушбу ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда қўлланиладиган ёндашув асосида Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражаси паст деб топилган бўлиб, ушбу ҳолат, харажатларни молиялаштиришда давлат бюджети боғлиқликнинг юқорилиги, ижтимоий ҳимоя харажатларининг мамлакат ЯИМдаги улуши ўрта ҳисобда 8,5 фоизни, хусусий сектор иштирокини эса сезиларли даражада пастлиги (5,0 фоизга етмайди) билан изоҳланади.

Европа комиссияси[12] ва БМТ[13] (БМТнинг Осиё ва тинч океани бўйича иқтисодий комиссияси – UNESCAP) томонидан турли мамлакатлар ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини баҳолашда узок муддатли барқарорлик (Sustainability of Social Expenditure Index) ёндашувидан фойдаланилиб, бунда мамлакатдаги демографик ўсиш, бюджет тақчиллиги, ташқи таъсирларни инобатга олиниши билан характерланади. Баҳолаш жараёнида аҳолининг демографик қариши, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони билан пенсия ёшидагиларнинг нисбати (пенсия таъминоти тизимининг демографик юки), бюджет ижтимоий харажатларини молиялаштириш учун солиқ тушумларининг етарлилик ҳолати, суғурта ва субсидиялаш каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Баҳолаш услубиётида таҳлили ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришда давлат бюджетига нисбатан босимнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилишга устуворлик қаратилганлиги сабабли, унда тизимни молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув индексини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур икки глобал ташкилот томонидан мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражасини баҳолашда Херфиндал-Хиршман индексига (Herfindahl-Hirschman Index – ННІ) асосланилиб, концентрациялашув ҳолатини аниқлашда қуйидаги тенгламага асосланилади:

$$HHI = \sum_{i=1}^n s_i^2$$

Бу ерда:

s_i – i -манбанинг ижтимоий ҳимоя тизимини жами молиялаштириш ҳажмидаги улуши (фоизда кўрсатилади, натижа 0-1 индекс оралиғида чиқади;

n – ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришда фойдаланилаётган манбалар сони.

Ижтимоий ҳимоя тизимини концентрациялашув ҳолатини Херфиндал-Хиршман индексига асосан баҳолаш натижаси қанчалик кичик (яъни, “0” қийматга яқин) бўлса, молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражаси шунчалик юқори, ёки аксинча (яъни, олинган натижа қанчалик “1,0” қийматга яқин бўлса шунчалик) диверсификациялашмаган ҳисобланади.

БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотларда Ўзбекистонда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя тизими учун демографик босим ортиб бориши билан биргаликда, суғурта тизими етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли уни молиялаштириш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи хавф-хатарлар мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Таҳлиллар Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO), Европа Комиссияси ва БМТ томонидан қўлланиладиган ёндашувларда турли мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашуви даражасини баҳолашда юқори даражадаги имкониятга эга эканлигини кўрсатди. Шу билан биргаликда, Ўзбекистонда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашуви даражасини мазкур халқаро индекслар орқали баҳолаш бўйича мавжуд имкониятлари аниқланиб, уларни 2-жадвалда келтириб ўтилди.

2-жадвал

Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражасини баҳолашда халқаро индекслардан фойдаланиш имконияти

№	Халқаро индекс	Ўзбекистонда қўллаш имконияти	Ижодий фойдаланиш йўллари
1	Social Protection Index (SPI)	ADB билан ҳамкорлик мавжуд. Ўртача қамровда турибди.	Маҳаллий микёсда SPI методологиясини жорий этиш. Виолятлар кесимида индекс ҳисоблаш.
2	World Bank ASPIRE database	Маълумотлар базасига киритилган, лекин тўлиқ эмас	ASPIRE форматида миллий ижтимоий ёрдам ва ижтимоий суғурта дастурларини тоифалаш. Манбалар улушини таҳлил қилиш.
3	Global Social Protection Database (ILO)	Қамров ва харажатлар бўйича маълумотлар бор	Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳудудий қамров таҳлилининг маҳаллий туман/шаҳарлар кесимида жорий қилиш. Самарасиз сегментларни аниқлаш.
4	Government Social Spending (% of GDP)	Ҳар йили ҳисобланади, ЯИМга нисбатан 8,5% атрофида	Бу маълумот асосида ижтимоий харажатлар учун белгиланган босимни баҳолаш.
5	Sustainability of Social Expenditure Index	Демографик ўсиш ва пенсия юқламаси таҳлилида қўллаш мумкин	Пенсия тизими ислохотларини режалаштиришда, ёшлар улуши ва ишсизлик фонида бюджет босимини баҳолашда фойдаланиш.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Ўтказилган таҳлиллар асосида Ўзбекистон шароитида халқаро индекслардан фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришнинг диверсификациялашув даражасини баҳолаш имкониятлари бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантиришга эришилди:

биринчидан, мамлакат ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштиришда асосан давлат бюджетига боғлиқлик юқори бўлиб, молиялаштириш манбаларининг диверсификациялашув даражаси пастлиги билан характерланади;

иккинчидан, SPI ва APIRE каби халқаро индекслар орқали ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларининг улушлари, жумладан, харажатлари таркиби ва турли ижтимоий гуруҳларни қамраб олинганлик ҳолатларини баҳолаш мумкин бўлади;

учинчидан, таҳлил этилган халқаро индекслар асосида ижтимоий ҳимоя тизимини молиялаштириш манбаларини диверсификациялашув даражасини баҳолаш методологиясини маҳаллий даражада (республика вилоятлари, шаҳар ва туманларига) тадбиқ этиш ва миллий рейтингларни тузиш орқали тизим самарадорлиги ҳолатини аниқлаш ҳисобига уни такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Social Protection and Labor: Overview. World Bank Group [Online Resource] URL: <https://www.worldbank.org/en/topic/socialprotection/overview>
2. ILO Social Protection Platform. URL: <https://www.social-protection.org/gimi/ShowMainPage.action>
3. IEO Evaluation Report: The IMF and Social Protection. Independent Evaluation Office Reports Series, Independent Evaluation Office, International Monetary Fund, Oct., 2017. – 60 pages.
4. ISSA | Excellence in Social Security. International Social Security Association. URL: <https://www.issa.int/>
5. The Revised Social Protection Index: Methodology and Handbook. Asian Development Bank – ADB, Oct., 2011. – 59 pages.
6. The Revised Social Protection Index: Methodology and Handbook. Asian Development Bank – ADB, Oct., 2011. – 59 pages.
7. Uzbekistan and ADB. ADB’s Partnership with Uzbekistan Supports the Country’s Reforms Toward a Green and Inclusive Economy. Asian Development Bank (ADB). URL: <https://www.adb.org/where-we-work/uzbekistan>
8. ASPIRE: The Atlas of Social Protection Indicators of Resilience and Equity. World Bank Group. URL: <https://www.worldbank.org/en/data/datatopics/aspire>
9. Social Protection Platform: Uzbekistan. International Labour Organization (ILO). URL: <https://www.social-protection.org/gimi/ShowCountryProfile.action?iso=UZ>
10. Six Charts on Social Spending in the Middle East and Central Asia. International Monetary Fund. [Online Resource], URL: <https://www.imf.org/en/news/articles/2020/09/25/na092920-six-charts-on-social-spending-in-the-middle-east-and-central-asia>
11. OECD Social Expenditure Database (SOCX). OECD. [Online Resource] URL: <https://www.oecd.org/en/data/datasets/social-expenditure-database-socx.html>
12. 2024 Ageing Report: Economic and Budgetary Projections for the EU Member States (2022-2070). Directorate-General for Economic and Financial Affairs, European Commission, April, 2024. – 279 pages.
13. Social Protection for Sustainable Development. United Nations System Staff College. [Online Resource] URL: <https://www.unssc.org/courses/social-protection-sustainable-development-1>